

## Гаровга қўйилаётган мол-мулкни зарардан, оловдан ва табиий офатлардан (8, 9 класс) суғурта қилиш бўйича шартнома

Умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун 2022 йил "25" февралда берилган 00045-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензиясига ва Уставига биноан «**ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI**» АЖ ҚҚ номидан Низом ва 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ - сонли Бош Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ **вилоят филиали** директори \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «**Суғурталовчи**» деб аталади), \_\_\_\_\_ номидан ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «**Суғурта қилдирувчи**» деб аталади), Устав асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ раҳбари \_\_\_\_\_, (кейинги ўринларда «**Наф олувчи**» деб аталади), ва \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «**Гаровга қуювчи**» деб аталади), кейинги ўринларда суғурта шартномаси бўйича Томонлар ҳам деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагича туздилар:

### 1. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Шартномада келишилган тўлов (Суғурта мукофоти) учун Суғурталовчи шартномада келтирилган ҳодиса (Суғурта ҳодисаси) натижасида Суғурта қилдирувчининг/Гаровга қуювчининг гаровга қўйилган мол-мулкка етказилган зарарни шартномада келишилган пул (Суғурта пули) ҳажмида Наф олувчига қоплаш (Суғурта товонини тўлаш) мажбуриятини олади.

1.2. Суғурталанган мол-мулкнинг рўйхати ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, 1.3. бандида кўрсатилади еки 1- сонли иловада келтирилади (агар сони биттадан ошиқ бўлса). Ушбу шартнома Анкега-аризага асосланган ҳолда тузилган бўлиб, у шартноманинг ажралмас қисми деб тан олинади. Суғурталовчи мазкур мол-мулкни \_\_\_\_\_ -сонли Кредит шартномаси бўйича таъминот сифатида ва \_\_\_\_\_ -сонли Гаров шартномаси бўйича Гаровга қуювчи томонидан гаровга қўйилганлиги туғрисида хабардор.

1.3. Суғурта объекти: \_\_\_\_\_ (ёки 1-сонли Иловада кўрсатилган).

1.4. Суғурта жойи (манзил): \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ . Гаровга қўйилган мол-мулк фақат шу манзил бўйича суғурталанган деб ҳисобланади.

1.5. **Наф олувчи** (Банк, Кредит уюшмаси) \_\_\_\_\_.

1.6. Мол-мулкнинг суғурта қиймати \_\_\_\_\_ сўм. Суғурта пули \_\_\_\_\_ сўм.

(**Наф олувчи** ва **Суғурта қилдирувчи/Гаровга қуювчи** орасида тузилган баҳолаш Акти асосида аниқланади).

1.7. Шартнома бўйича **Суғурта мукофоти** \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади ва Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки унинг суғурта агентига қуйидагича тўланади: (вариант а) ёки в) танланади)

а) *Суғурта мукофоти ушбу Шартномани томонлар имзолагандан сўнг, 5 (беш) банк кун ичида Суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши керак;*

б) *Суғурта мукофоти босқичма-босқич тўланади: I қисми – \_\_\_\_\_ (25% дан кам бўлмаслиги керак) 201\_\_ й «\_\_» \_\_\_\_\_ гача., II қисми – \_\_\_\_\_ 201\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ гача. Суғурта мукофотини тўлаш муддати 15 (ун беш) банк кунидан ўтказиб юборилган тақдирда, Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофотининг навбатдаги қисми Суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушигунча, вақтинчалик тўхтайдди.*

1.8. Шартсиз франшиза суғурта пулидан \_\_\_\_\_ % ташкил қилади.

1.9. Мазкур шартнома унинг тузилган кунидан бошлаб кучга қиради агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти (ёки унинг келишилган қисми) Шартноманинг 1.7 бандида келишилган муддатда тўланган булса, ёки суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга қиради агар суғурта мукофоти кечиктириб тўланса. Суғурталовчининг суғурта товонларини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти тўланган санасидан ва Гаров шартномаси кучга киргандан бошлаб кучга қиради. Суғурталовчи фақат Полисада кўрсатилган даврдаги содир бўлган суғурта ҳодисалар учун тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда жавоб беради.

1.10. Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлигини ва суғурта қодаларининг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Суғурталовчига тўлангандан кейин 3 (уч) кун ичида берилади.

1.11. Мазкур Шартнома унга барча томонлар қўл қўйишгандан бошлаб \_\_\_\_\_ ой амалда бўлади.

### 2. СУҒУРТА ХОДИСАСИ

2.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта ҳодисаси деб тан олиниши мумкин бўлган мол-мулкнинг шикастланиши ёки нобуд бўлиши, қуйида келтирилган ҳодисалар туфайли натижасида пайдо бўлган зарарларни қоплайди: (керак бўлмаганни учирисин, ёки «Х» белгиси билан чизилсин)

- **Ёнғин** деганда ёниш билан боғлиқ бўлган кучи ва тарқаланиши назорат қилиб бўлмайдиган мол-мулкга зарар келтирадиган жараён тушунилади.

Қайта ишлаш ёки бошқа мақсадларда суғурталанган мол - мулкка олов, иссиқлик ёки қиздириб ишлов бериш (масалан, қуритиш, қайнатиш, дазмол босиш, дудлаш, ковуриш, иссиқлик билан ишлов бериш ва ҳоказолар) натижасида кўрилган зарарлар суғурта билан қопланмайди.

- **Яшин уриши** - бу чақмоқнинг бевосита мулкка таъсири ҳисобланади.

• **Газ ва буғнинг портлаши** деганда кимёвий реакция ҳисобига назорат қилиб бўлмайдиган газларнинг ёки буғнинг тез кенгайиши ва портлаши тушунилади.

- **Зилзила** – бу ернинг қимиллаши ва силкиниши.

- **Сел** – бу тоғлик худудларда ёмғир, қор ириш ҳисобидан сувни катта тезлик билан бостириб келиши.

• **Тошқин** – бу сув иншоотларни бузилиш ёки даръё, қўл ва денгизларнинг сув сатхи кўтарилиши ҳисобидан катта майдонларни сув босиши.

• **Бўрон** – бу тезлиги бир сонияга 15,3 метрдан кучлироқ бўлган шамол ва **довул** – бу тезлиги бир сонияга 29 метрдан кучлироқ бўлган шамол.

- **Дўл** деганда дўлни бевосита мулкка таъсири ҳисобланади.

- **Ер ости сувларининг чиқиши** – ер ости сувлар чиқиш ҳисобига мулкка зарар етказиш.

- **Кўчки** - бу ўз оғирлиги остида тоғларни секин кўчиши ва емирилиши.
- **Тупроғнинг чўкиши, емирилиши** – бу ўз оғирлиги остида ерни чўкиши.
- **Предмет ва даракларнинг йиқилиши** ва суғурталанган мулкга зарар етказиши.
- **Сув таъминоти, иситиш, канализация ёки ёнғинни автоматик равишда ўчириш тизимларидаги фалокатлар** – бу барча сув таъминоти, канализация ва ўт учириш қувурлари ва тизимларидан чиққан сувни мулкга шикаст ерказиши.
- **Бузиб кириб ўғирлик қилиш, босқинчилик ва талончилик** – бу бевосита ойна ва эшикларни бузиб кириш ва мулкга шикаст етказиш ёки уғирлашни англатади.
- **Дераза, кўзгу, витрина ойналарини синиши ва суғурталанган мулкга зарар етказиши.**
- **Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) тегишли бўлмаган транспорт воситаларининг босиб кетиши** ва суғурталанган мулкга зарар келтириши.
- **Учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари** – бу ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши шарт бўлган учинчи шахслар томонидан суғурталанган мулкга зарар етказиши.
- **Тутатиш** – бу бевосита тутуннинг таъсирида суғурталанган мулкга зарар етказиш.
- **Учар аппаратларнинг қулаши** – бу бошқариладиган учар аппаратларнинг қулаши ҳисобига суғурталанган мулкга зарар етказиши тушунилади.

### 3. СУҒУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

#### 3.1. Куйдаги сабаблар билан содир бўлган воқеалар суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди:

- 3.1.1. агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчи, Наф олувчининг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, қасддан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий мулоффаа еки охириги зарурат ҳолатида содир этилиши бундан мустасно;
- 3.1.2. агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи ёки уларнинг ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари, ёки алкоголь ва наркотик ҳолатдаги ҳаракатлари натижасида содир этилган бўлса ва бу ҳаракатлар қонунчилик асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик деб аниқланса ва суғурта ҳодисасининг содир этилишига сабаб деб топилса;
- 3.1.3. агар Суғурта қилдирувчи томонидан қонунда ва меъёрий ҳужжатларда ёнғинга қарши, мулкни кўриқлаш, ишларни хавфсизлигини таъминлаш ва шулар каби қоидалари бузилган бўлса, ёки шу қоидаларни бузилиши тўғрисида Суғурта қилдирувчи хабардор бўлган бўлса;
- 3.1.4. агар Суғурта қилдирувчи томонидан техник носоз мулк (ишлаб-чиқариш ва бошқа асбоб-ускуналар) ишлатилган бўлса; ёки уларга тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган техник ва ишлатиш шартлари бузилган бўлса; ёки етарли малакаси, руҳсатномаси бўлмаган шахслар тегишли ишларни амалга оширган бўлса;
- 3.1.5. шартнома бўйича муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, Суғурта қилдирувчи уч кун ичида хабар бермаса, шу жумладан: мулкни ижарага, гаровга берилиши, мулкни бошқа мулкдорга ўтиши, ишлаб-чиқариши тўхтаб қолиши ёки тубдан ўзгариши, бино ва иншоотларни бузилиши ёки қайта қурилиши, мулкни нобут бўлиши суғурта билан қопланишидан қатъий назар ва х.к.

#### 3.2. Куйдаги зарарлар суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди:

- 3.2.1. суғурталанган мол - мулкнинг табиий ўз-ўзидан ёниши, чирини, ачиши ва бошқа табиий ҳусусиятлари;
- 3.2.2. қайта ишлаш ёки бошқа мақсадларда суғурталанган мол - мулкга олов, иссиқлик ёки киздириб ишлов бериш, таъмирлаш ва технологик ишлатиш натижасида;
- 3.2.3. бинолар ва уларнинг қисмлари қулаб тушиш, агар бу бевосита суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлмаса.

#### 3.3. Ушбу суғурта шартномаси куйдагилар натижасида юзага келган бевосита ёки билвосита зарарларни қопламайди:

- ҳар қандай ядро қуролининг таъсири; ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролар уруши ёки уларнинг оқибатлари, халқ кўзғолонлари, иш ташлашлар, локаутлар, шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатлари,
- ҳарбий ёки фуқаролик ҳокимияти буйруғига кўра мол-мулкни зарарланиши ёки нобуд қилиниши, хатга олиниши, реквизиция мусодара қилиниши.

**3.4. Куйдагилар натижасида келтирилган зарарлар суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди:** ишлаб чиқариш ва савдодаги узилишлар; ижара тўлови тушумини йўқотиш; фойдани йўқотиш; ҳудудни тозалаш ва биноларни бузиш; суғурта ҳодисаси келтириб чиқарган бошқа билвосита зарарлар (масалан, йўқотилган фойда).

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 4.1. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- 4.1.1. Суғурта қилдирувчини суғурта шартноманинг шартлари билан таништириш, шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисни тақдим этиш, мазкур шартномани амалдаги вақтида Суғурта қилдирувчига унинг талаби бўйича тегишли маслаҳат ва тушунчаларни бериш;
- 4.1.2. Суғурта қилдирувчининг мулкий аҳволи тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилмаслик, бундан мустасно Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида давлат органларига тақдим этилган маълумотлар.
- 4.1.3. зарарни камайтириш мақсадида қилинган ҳаражатлар, агар бундай ҳаражатлар зарур бўлган бўлса еки Суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, Суғурталовчи томонидан қопланиши лозим.
- 4.1.4. суғурта ҳодисаси бўйича барча ҳужжатларни олиб, ҳодисани тан олгандан сўнг шартномада белгиланган муддатларда суғурта товонини тўлаш ёки асосланган ҳолда рад жавобини бериш;

#### 4.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- 4.2.1. суғурта мукофотини ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаш;
- 4.2.2. шартнома тузишда Суғурталовчига уни қизиқтирган барча ахборотни ҳаққоний бериш;
- 4.2.3. шартнома тузилгандан сўнг суғурта хавфни оширадиган ҳаракатларга йўл қўймастик, шартнома бўйича муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, уч кун ичида хабар бериш;
- 4.2.4. шартнома тузиш вақтида суғурта объекти бўйича бошқа амалдаги ва тузилаётган суғурта шартномалар тўғрисида хабар бериш;
- 4.2.5. суғурта ҳодисаси рўй бериши билан зудлик билан суғурталовчига суғурта шартномасида кўрсатилган услуб ва муддати ичида хабар бериш ва суғурта товонни тўлаш ҳақидаги талабни кўриб чиқиш учун барча ҳужжатларни тақдим этиш. Агар Суғурта қилдирувчи узрли сабаблар билан бу ҳаракатларни бажара олмаса, унда ҳужжатлар асосида буни тасдиқлаши лозим;

4.2.6. Суғурталовчи ва унинг вакилларига суғурта ходисани сабабларини ва зарар миқдорини аниқлашда қўмаклашиш;  
4.2.7. суғурта ходисаси рўй берганда кўрилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриш ва айбдор учинчи шахсларга нисбатан Суғурталовчини регресс учун талаб қилинган хужжатлар билан таъминлаш;

#### **4.3. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:**

4.3.1. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта товонни тўлашни талаб қилган вақтда ундан суғурта ходисасини сабабларини аниқлаш учун қўшимча маълумотларни талаб қилиш;  
4.3.2. Суғурта қилдирувчи мазкур шартноманинг шартларини бажармаса ёки етарли даражада бажармаса суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли;  
4.3.3. Суғурта қилдирувчи томонидан берилган суғурталанган мулк тўғрисида ахборотни ва унинг ҳолатини шартноманинг даврида текшириш;  
4.3.4. агар суғурта ходисаси бўйича Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи, Гаровга қўювчи)га нисбатан суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд жараёнлари олиб борилаётган бўлса, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарорни ушбу жараёнлар якунига қадар кечиктириш;  
4.3.5. суғурта ходисанинг сабабларини мустақил аниқлаш, шу жумладан ваколатли органларга сўровномаларни юбориш ва Суғурта қилдирувчини розилиги билан унинг номидан судларга қатнашиш;  
4.3.6. суғурта ходисаси эҳтимolini камайтиришга мулжалланган чора-тадбирлар ўтказиш.

#### **4.4. Суғурта қилдирувчи куйидаги ҳуқуқга эга:**

4.4.1. Суғурталовчи билан келишилган ҳолда суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш;  
4.4.2. суғурта шартноманинг шартлари бўйича Суғурталовчидан тушунтиришларни олиш;  
4.4.3. суғурта полис йўқолган тақдирда, унинг дубликатини Суғурталовчидан олиш.

### **5. СУҒУРТА ХОДИСАСИДАГИ ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

5.1. Суғурталовчига суғурта товони тўлаш талабини қўйишга асос бўладиган ҳар қандай зарар ёки шикастланиш содир бўлганда, **Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) куйидагиларни бажариши керак:**

5.1.1. бу ҳақида зудлик билан 48 соат ичида Суғурталовчини хабардор қилиши ва 5 (беш) кун ичида зарар келтирилган ҳолат ва сабаблар кўрсатилган ёзма аризани Суғурталовчига йўллаш; зудлик билан содир бўлган ҳодиса тўғрисида ваколатли органларга хабар бериш;

5.1.2. суғурта ходисаси рўй берганда кўрилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриш;

5.1.3. Суғурталовчи суғурта товонни тўлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилгунча шикастланган мулкни суғурта ходиса содир бўлгандаги ҳолатда сақлаб туриш. Суғурта қилдирувчи шикастланган мулкни тиклашни ва лозим бўлганда уни ёқ қилиш бўйича ишларни Суғурталовчининг ёзма розилиги асосида амалга ошириши мумкин;

5.1.4. ўз ҳисобидан суғурта ходиса ва кўрилган зарарларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш, шу жумладан экспертиза қилиш, тегишли мутахассисларни ва ваколатли органларни хулосаларини олиш, ходиса жойини экспертларга кўрсатиш ва х.к.;

5.1.5. Суғурталовчига суғурта товони тўлаш талабини қўйишда **Суғурта қилдирувчи 30 (уттиз) кун ичида куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

**Суғурта полиси (асли нусха); суғурта ходисасига таалуқли бўлган ваколатли давлат органлари томонидан берилган хулоса ва маълумотлар (Фавқулот Вазиятлар Вазирлиги, Гидрометбюро, Ёнгинга Қарши Хизмат, ИИБ, Суд ва х.к.); йўқотиш, бузилиш ёки шикастланиш миқдори ҳақида баҳолаш ҳужжати; учинчи шахслардан олинган компенсациялар тўғрисида маълумот ва Суғурталовчи талаб қилган бошқа маълумотлар**

5.2. Суғурталовчини суғурта ходиса тўғрисида хабардор этиш ва барча ҳужжатларни тақдим этиш бўйича ҳаракатлар Наф олувчи ёки Гаровга қўювчи томонидан (агар Суғурта қилдирувчи суғурталанган мулкнинг эгаси бўлмаса) ҳам бажарилиши мумкин.

5.3. Ходиса бўйича барча тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг **Суғурталовчи:**

5.3.1. Суғурта товонни ҳисоблайди;

5.3.2. Мазкур Шартномада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта товонни тўлаб беради.

### **6. СУҒУРТА ТОВОННИ ТўЛАШ ЁКИ РАД ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Суғурта товони эскириш ҳисоби билан ҳақиқий зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган ҳолда тўланади.

6.2. Зарар миқдори шикастланган мулкни суғурта ходисагача бўлган ҳолатигача тиклаш учун ҳаражатлари билан белгиланади (эскиришни, амортизацияни ҳисобга олган ҳолда). Зарар миқдори томонлар келишуви асосида ҳам белгиланиши мумкин.

6.3. Агар мазкур шартнома тузилиш кунига суғурта пули мол-мулкнинг суғурта қийматидан камроқ бўлса, унда суғурта товони мутаносиб равишда тўланади. Агар суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулкнинг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. ЎР ФКнинг 935 бандига асосан суғурта пули суғурта қийматига мутаносиблиги Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси содир бўлганда аниқланиши мумкин.

6.4. Агар зарар учинчи шахслар томонидан Суғурта қилдирувчига қисман қопланган бўлса, бу ҳолда Суғурталовчи қопланган суммани ҳисобга олган ҳолда суғурта товонни тўланади.

6.5. Агар зарар миқдори шартномада кўрсатилган шартсиз франшизадан ошмаса, унда Суғурталовчи товонларни тўлашдан озод этилади, агар зарар миқдори шартномада кўрсатилган шартсиз франшизадан ошиқ бўлса, унда Суғурталовчи товонларни франшизани айриб тўлайди.

6.6. **Суғурта товони куйидагича тўланади:**

- мулкни тўла яқсон бўлишида – унинг шартнома тузилиш кунига бўлган суғурта пулининг миқдорида;

- мулкни қисман шикастланишида – тиклаш ҳаражатлар миқдорида (суғурта пулидан ошмаган ҳолда).

Тиклаш ҳаражатларига куйидагилар қиради: қурилиш материаллари ва қисмлари; таъмирлаш учун ҳаражатлари; Суғурта қилдирувчининг таъмирлаш ишлари учун юрларни етказиб беришга ва бошқа мулкни тиклаш учун кетган ҳаражатлари. ҚҚС фақат тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар (счет-фактура) тақдим этилгандан сўнг қопланади.

Тиклаш харажатларига куйдагилар кирмайди: суғурталанган мулкни яхшилаш учун қилинган харажатлар; вақтинчалик ёки қушимча таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар; Пудратчининг бошқа харажатлари; ҚМИ суғуртаси; бошқа, ортиқча қилинган харажатлар.

Тиклаш харажатлари эскириш ҳисобига камайтиради

6.7. Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига тўланган ҳар бир тўлов мазкур шартноманинг тегишли суғурта пулини камайтиради, агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта пулини тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса.

6.8. **Етказилган зарар куйдаги ҳолатларда қопланмайди:**

6.8.1. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурталанган ТВси, қалтисликлар, суғурта ходисаси ва унинг сабаблари тўғрисида олдиндан сохта маълумотлар берган бўлса;

6.8.2. Суғурта қилдирувчи суғурта ходисасидан эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўрмаса;

6.8.3. агар Суғурталовчига шартнома бўйича муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, уч кун ичида хабар берилмаса. Суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган суғурталовчи суғурта шартномасининг шартларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилишга ҳақли, ёки бунга Суғурта қилдирувчи розилиги бўлмаса - шартномани тўхтатишга ҳақли;

6.8.4. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта ходисани ўрганиб чиқишда ва зарарларнинг миқдорини аниқлашда тусқинлик қилса;

6.8.5. мазкур шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда Суғурталовчига суғурта ходисаси содир этилганлиги тўғрисида хабар берилмаса ёки ходисани кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса;

6.8.6. агар Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортиқча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир;

6.8.7. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.9. Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳамда зарарнинг миқдорини аниқловчи ҳужжатларни олгандан сўнг **Суғурталовчи** суғурта ходисасини тан олиш ҳақида 15 (ўн беш) банк кун ичида қарор чиқаради. Суғурталовчи суғурта ходисасини тан олса, суғурта товонини миқдорини белгилайди ва тегишли суғурта ходисаси тўғрисидаги Актни **Суғурта қилдирувчига** тақдим этади. Суғурта ходисаси тўғрисидаги Актга барча томонлар қўл қўйгандан сўнг 10 (ўн) банк куни ичида Суғурталовчи суғурта товонини **Наф олувчига** ёки унинг ёзма кўрсатмасига биноан **Суғурта қилдирувчига (Гаровга кўювчига)**, агар мулк **Суғурта қилдирувчиники** бўлмаса) тўлайди.

6.10. Суғурталовчининг суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

## 7. ШАРТНОМАНИ ТУГАТИШ ВА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИШ

7.1. Шартнома куйдаги ҳолатларда тугатилади:

7.1.1. унинг муддати тугаганда;

7.1.2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида Суғурталовчи ёки Суғурта қилдирувчи тугатилса;

7.1.3. суд томонидан Шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинса;

7.1.4. Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлиқ суғурта пули миқдорида тўланса;

7.1.5. шартнома бўйича навбатдаги суғурта бадала 30 кун ичида тўланмаса, бунда олдин тўланган суғурта бадаллари қайтарилмай;

7.1.6. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолатларда.

7.2. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ходисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ходисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган шартнома муддати келишидан олдин бекор бўлади. Бу ҳолатда шартнома томонларнинг ўзаро келишуви асосида тўхтатилса, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига шартномада кўрсатилган суғурта мукофотидан 30% иш юритиш учун қилинган харажатлар ва шу Шартнома бўйича тўланган суғурта товонларини ушлаб қолган ҳолда, суғурта мукофотини қолган даврига мутаносиб қисмини 30 (ўттиз) иш кунда миқдорининг аризасига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтаради.

7.3. Шартноманинг 7.2. бандида кўрсатилмаган ҳолатларда ёки Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчининг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинса, тўланган суғурта мукофот қайтарилмайди.

7.4. Агар суғурта шартнома имзолангандан сўнг 30 кун ичида суғурта мукофоти тўланмаса, шартнома кучга кирмаган бўлиб, бекор қилиниши мумкин.

7.5. Суғурта мукофоти шартномада белгиланган муддатларда тўла ёки қисман тўланмаслиги “шартномани жиддий бўзилиши” ҳисобланади ва ЎзР “Хўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонуннинг 15-бандига асосан Суғурталовчи томонидан шартномани бекор қилишга олиб келади.

## 8. РЕГРЕСС ҲУҚУҚИ

8.1. Агар суғурта ходисаси учинчи шахслар айби билан содир этилган бўлса ва уларга нисбатан Суғурта қилдирувчининг талаб ҳуқуқи бўлса, унда суғурта товонини тўлаб берган Суғурталовчи қоплаб берган зарар миқдорида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

8.2. Суғурта товонини олган суғурта қилдирувчи ўздан суғурталовчига ўтган суғурта ходисаси учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни суғурталовчига бериши ҳамда талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча чораларни кўриши керак.

## 9. ФОРС - МАЖОР

9.1. Форс - мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

9.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер ости қаватларининг силжиши, бўронлар, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда

тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (харбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва хоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

9.3. Форс - мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар. Агар форс - мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор давом этган муддатгача узайтирилади. Форс - мажор ҳолатлари таъсири тегишли ваколатли органлар ҳужжатлари билан тасдиқланади.

#### **10. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

10.1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолда эса, низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган тартибда суд тартибда ҳал этилади.

#### **11. БОШҚА ШАРТЛАР**

11.1. Томонларнинг мазкур Шартномада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

11.2. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча шартнома қатнашчиларининг розилиги билан ёзма равишда киритилиши мумкин.

11.3. Мазкур Шартнома имзолангандан сўнг **Суғурталовчи** белгиланган суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади ва ўз вақтида тўланмаган ёки кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жамми 50% дан ошмаган миқдорда жарима белгилашга ҳақлидир. **Суғурта қилдирувчи** ўз навбатида, унга тегишли бўлган суғурта қопламаси тўланиши кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жамми 50% дан ошмаган миқдорда жарима белгилашга ҳақлидир.